

мумкин. Кўплаб нуфузга эга бўлган туркистонликлар Ҳиндистонга келиб, бобурийлар хизматига ўтди. Уларга саройда катта амаллар ва ерлар тортиқ қилинди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Бобурийлар олиб борган ташқи сиёсат дунё шарқшунос ва тарихчи олимлари томонидан ўрганилди. Бобурийлар ташқи сиёсатининг кўп жиҳатлари тадқиқ этилган ва улар олиб борган ташқи сиёсат ўзининг айрим хусусиятлари билан таҳсинга лойиқдир. Бобурийлар ташқи ва ички сиёсатида ислом омили муҳим аҳамият касб этади. Улар ислом динига ва мусулмонларга ўзгача ҳурмат билан қараганлар. Ислом динига бўлган кучли синмас эътиқоди сабабли, улар Эронга қулай фурсат туғилганда ҳам юриш қилмадилар, бу эса уларни нақадар кучли эътиқодидан, моҳир дипломатлигидан далолат беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон дипломатияси тарихидан, тарихий очерклар ва лавҳалар: ЖИДУ, 2003. Б.105.
2. Низомиддинов И.Ф. Ҳиндистонда ислом: тарих, ижтимоий-сиёсий ҳаёт ва ҳинд-мусулмон маданияти. ЎзРФА, 2008. Б.101.
3. Бернье Ф. История последних политических переворотов в государстве Великого Монгола. Пер. с французского Жуховецкого Б. И Томара М. М.-Л., Соцэкгиз. 1936. -Б.89
4. Richard C.Foltz. Mughal India and Central Asia. Oxford, 1998. P. 23.
5. Ramesh Chandra Varma. Akbar and Abdulla Khan. "Islamic Culture", Vol. XXI, №2, 1947, Hyderabad, P. 330.
6. Ўзбек дипломатияси тарихидан. Жаҳон Иқтисодиёти ва дипломатия университети. Т., 2003. Б. 112.
7. Синха Н.К., Банержи А.Ч. История Индии. М.1954. С. 242.
8. Семёнов А.А. К вопросу о культурно-политических связях Бухары и Великомонгольской Индии в в. Материалы 2-го совещания археологов и этнографов Средней Азии. Изд-во АН СССР, М. 1959. С.153.

Ш. Қаххоров, илмий раҳбар Э.И. Эргашев,
Тошкент молия институти
Тошкент, Ўзбекистон
Woxrux0708@gmail.com

**МАМЛАКАТИМИЗДА ИҚТИСОДИЙ ЎСИШНИ РАВБАТЛАНТИРИШДА ФИСКАЛ
СИЁСАТНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

Annotatsiya. Мақолада Ўзбекистонда иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатларини таъминлашда фискал сиёсатнинг роли билан боғлиқ жараёнлар тадқиқ этилган. Фискал сиёсатни амалга ошириш тизимини оптималлаштиришга йўнал-тирилган таклиф ва умумий тавсиялар шакллантирилган.

Калим сўзлар: иқтисодий ўсиш моделлари, диверсификация, эндоген ўсиш, макроиқтисодий барқарорлик, фискал сиёсат, солиқ тизими.

Sh. Kakhkhorov, supervisor E.I. Ergashev

Tashkent Financial Institute

Woxrux0708@gmail.com

IMPLEMENTING FISCAL POLICY TO STRENGTHEN ECONOMIC GROWTH IN OUR COUNTRY WAYS OF INCREASE

Annotatsiya. The article examines the processes associated with the role of fiscal policy in ensuring sustainable economic growth in Uzbekistan. Proposals and general recommendations aimed at optimizing the system of fiscal policy implementation have been formed.

Key words: economic growth models, endogenous growth, diversification, macroeconomic stability, fiscal policy, tax system.

Иқтисодий ўсиш муаммолари жамият тараққиётининг ўта аҳамиятли ва шу сабабли иқтисодиётнинг энг долзарб ва ҳақли равишда кўп иқтисодчи-ларнинг диққат-эътиборини ўзига жалб этаётган биринчи даражали муаммо-лардан бири ҳисобланади. Шу ўринда, Президентимиз таъкидлаганларидек “...иқтисодиётни модернизация ва диверсификация қилиш, меҳнат унумдор-лигини ошириш орқали юқори иқтисодий ўсишни таъминлаш” [1]. Шундан келиб чиқиб иқтисодчи-олимларнинг иқтисодий ўсиш омилларини ўрганиш ҳамда унинг келгусидаги натижаларини башорат қилиш борасидаги тадқиқот-лари пировардида турли иқтисодий ўсиш моделларининг яратилишига олиб келишини таъкидлаш жоиз.

Иқтисодий ўсиш моделлари ялпи ишлаб чиқаришнинг узоқ муддатли кўпайиши таклиф омилларига таянган ҳолда таҳлил этиш имконини беради. Барча иқтисодий моделлар каби иқтисодий ўсиш моделлари ҳам реал жараёнларнинг абстракт ва соддалашган кўринишида, шартли тарзда графиклар ва тенгламаларда акс эттирилади. Иқтисодиёт назариясида иқтисодий ўсишнинг қуйидаги назариялари фарқланади [2]:

- иқтисодий ўсишнинг янги кейнсча назариялари;
- иқтисодий ўсишнинг янги классик назариялари;

- иқтисодий ўсишнинг эмпирик назариялари;
- эндоген ўсишнинг янги назариялари.

Шунингдек, мамлакатимиз иқтисодиётида амалга оширилаётган туб ислохотлар молиявий сиёсатни, шу билан бир қаторда фискал сиёсатни иқтисодиётни барқарор ривожлантиришдаги аҳамиятини оширмоқда. Чунки, фискал сиёсат давлат иқтисодиётини тартибга солишнинг асосий восита-ларидан бири саналади, ҳамда макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга, тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ва мамлакат аҳолисининг турмуш даражасига фаол таъсир этади.

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб давлат молия сиёсатининг марказий масалаларидан бири сифатида иқтисодий ўсишни рағбатлантиришда фискал сиёсат самарадорлигини таъминлаш майдонга чиқмоқда. Бу соҳада – чуқур институционал ўзгаришлар амалга оширилди, мамлакат иқтисодий тараққиёти бўйича муҳим чора-тадбирлар қабул қилинди, мақсадли комплекс дастурлар амалга оширилмоқда. Амалда фискал сиёсат ҳар қандай давлатнинг иқтисодий ривожланиши ва унда ишлаб чиқаришни кенгайтиришнинг энг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Шундай экан, миллий иқтисодиётни ҳар томонлама ривожлантиришда иқтисодий ўсишни рағбатлантиришда фискал сиёсат самарадорлигини таъминлаш давлатнинг оқилона иштирокини талаб этади. Бу ўз навбатида, мамлакатда чуқур тизимли ўзгаришларни амалга оширишни таъминлайди.

Миллий иқтисодиёт соҳаларига ташқи ва ички инвестициялар оқимини фаоллаштириш иқтисодий юксалиш-нинг янги босқичини бошлаб берадиган асосий омил ҳисобланади. Демак, давлатнинг бюджет-солиқ фаолияти билан шаклланивчи фискал салоҳияти ҳар қандай иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи ва унинг тараққиётини таъминловчи куч экан, барча имкониятларни ишга солиб иқтисодиётимиздаги инвестициялар ҳажмини ошириш лозим. Умуман, фискал сиёсат бу – давлатнинг бюджет–солиқ сиёсатидир, унга биноан солиқлар белгиланади, бюджет маблағлари аниқ мақсадлар йўлида ишлатилади.

Самарали бюджет-солиқ сиёсатини юритиш бир томондан миллий иқтисодиётнинг барқарор тараққиёти учун муҳим фискал омил ролини ўйнаши билан бирга, иккинчи томондан давлат бюджети даромадларини шаклланиши-нинг барқарорлигини таъминлаши зарурдир.

Шу нуқтаи- назардан бюджет-солиқ тизимидаги ислохотларни чуқурлаштириш, солиқ сиёсатининг стратегик йўналишларини ишлаб чиқишда ушбу икки вазифа устувор аҳамият касб этмоқда. Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтиш жоизки,

фискал сиёсатни амалга оширишда солиқларнинг ўрни беқиёсдир. Бошқача қилиб айтганда фискал сиёсат дейилганда ҳукумат харажатлари ва солиқ тизимини ўзгартиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуаси тушунилади.

Давлат бюджети харажатларини кўпайтира ёки қисқартира бориб, тўғридан-тўғри хўжалик юритишни тартибга солишни амалга оширади. Чунки бу тадбирлар жами талабга бевосита таъсир қилади. Шу боисдан ҳам давлат солиқ ставкалари миқдорларини ва имтиёз турларини аниқлар экан, шу билан у бюджет харажатларига ва бутун макроиқтисодий вазиятга таъсир кўрсатади.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда иқтисодий ўсишни рағбатлантиришда фискал сиёсатнинг таъсири билан боғлиқ жараёнлар юзасидан куйидаги хулосалар шакллантирилди:

1. Солиқ имтиёзларининг иқтисодиётга таъсирини мониторинг қилиш механизмнинг мавжуд эмаслиги, солиқ имтиёзлари самарадорлигини оширишни тўхтатувчи омил ҳисобланади. Бу иқтисодиёт ва бюджет учун иқтисодий оқибатларидан келиб чиққан ҳолда солиқ имтиёзларини тақдим этишнинг аниқ мезонларини белгилашга имкон бермайди ҳамда имтиёзларни тақдим этиш механизмнинг аниқлиги, очиқлиги ва шаффофлиги яратилишини қийинлаштиради.

2. Модернизация бўйича имтиёзлар самарадорлиги пастлигининг яна бир асосий сабабларидан бири бу солиқ ва божхона имтиёзларининг ҳеч қандай шартларсиз берилиши ва қайтариб олинмаслигидадир. Имтиёзлардан фойдаланувчи корхона ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сифатини ошириш, ҳажмини кўпайтириш ёки экспорт ҳажмини ошириш бўйича ҳеч қандай мажбурият қабул қилмайди.

3. Модернизация жараёнларини фискал рағбатлантириш чора-тадбирлари монетар, валюта ва саноат сиёсати билан биргаликда олиб борилган тақдирда кутилган натижа самаралироқ бўлиш имконини беради. Шунингдек, ушбу ислохотларни амалга оширишга масъул давлат бошқарув институтларини такомиллаштириш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2018 йил 29 декабрдаги Олий мажлисга Мурожаатномаси. <https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliyasi-28-12-2018>

2. Абдурахмонов Қ.Х. Инсон тараққиёти. Т.: Иқтисодиёт, 2013 йил, 39-бет.